

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАКАЛАВРИАТНИНГ ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ
ЙЎНАЛИШИ УЧУН**

«ЎЗБЕК ТИЛИ СТИЛИСТИКАСИ»

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НУКУС – 2010

ТУЗУВЧИ:

доц. Ф.Бобожонов
ассистент-ўқитувчи М.Бобожонов

ТАҚРИЗЧИ:

А.Мадаминов
филология фанлари
номзоди, доцент

УМУМИЙ СОАТ	- 42
МАЪРУЗА	- 28
СЕМИНАР	- 14
МУСТАҚИЛ БИЛИМ БЕРИШ	- 30

Маърузалар матни
Қорақалпоқ Давлат университети
ўзбек филологияси кафедрасининг
2010 йил 23 июндаги йиғилишида
қайта кўрилиб, айрим тузатишлар
киритилиб маъқулланган.

КАФЕДРА МУДИРИ:

доц. Ҳ.Абдуллаев

1-МАВЗУ

ЎЗБЕК ТИЛИ СТИЛИСТИКА КУРСИГА КИРИШ.

РЕЖА:

1. Стилистика курсининг долзарблиги ва тарихи
2. Стилистикага рус ва чех тилшуносларининг муносабати
3. Ўзбек тилшунослигида стилистика муаммоларига бўлган муносабат.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида илмий, бадиий, публицистик, расмий, сўзлашув каби нутқ услублари лексик, морфологик, синтактик ва бошқа белгилари билан ўзаро фарқланади.

Ўзбек тилшунослигида услубларни ўрганиш, тилнинг стилистик ресурсларини белгилаш бўйича айрим тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг натижаси ўлароқ илмий асарлар ва мақолалар майдонга келди. Шулар асосида ўзбек тили стилистикаси мустақил фан сифатида шакллана борди.

Стилистика бизнинг билимимизни тилнинг функционал аспекти ва нутқ услубларининг лингвистик муаммолари, уларнинг ўзаро муносабати ҳақида билимлар билан бойитади.

Стилистика соф амалий аҳамиятга ҳам эга: стилистикани ўрганиш, унинг тамойил ва қонун-қоидаларини билиш нутқ маданиятини оширишда муҳим омилдир. Шунга кўра, стилистика жамиятнинг лингво стилистик маданиятини оширишга хизмат қилади, тил фактларига баҳо беришга ўргатади, мазмун ва алоқа ситуациясига мос тил вофиталарини танлаш кўникмаларини яратишга кўмаклашади.

Стилистика тил воситаларининг экспрессивлик белгиси, уларнинг нутқ услубларига хосланиш даражасини ўрганиши, лексика, фразеология, морфология, синтаксиснинг синонимик вариантларини аниқлашига кўра миллий нутқ маданиятининг назарий асосини ташкил қилади. Умуман, стилистика нутқ маданиятининг кўпгина мураккаб ва турли туман масалаларини ҳал қилишнинг илмий асосидир. Нутқ маданияти аҳамиятининг оша бориши стилистиканинг назарий ва амалий муаммоларини мукамал ўрганишни тақозо этади.

Тилшуносликда, тил ва нутқнинг фарқланиши стилистиканинг мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди. В Кумбольдт, Бодуэн де Куртенэ, Г.О.Винокур, Л.П.Якубинский, В.В.Виноградов, Н.Ю.Шведова, чех тилшунослиги мактабининг вакиллари ва бошқа тилшунос олимлар нутқини ўрганиш масаласига катта эътибор бердилар. Адабий тилни ўрганиш, унинг нормаларини белгилаш зарурияти туфайли нутқнинг ижтимоий аспектига, айниқса, рус ва чех тилшунослигида муҳим ишлар қилинди.

«Тил,-деб ёзади Г.Винокур,-фақат амалий қўлланишдагина тилдир». Бундай қараш структуралистларнинг ҳам диққатини торта бошлади. Рус, чех, инглиз, немис ва бошқа тилларда нутқни ўрганиш кенг тус олди. Шу асосда лингвистик стилистика шаклланди ва у кейинги йилларда бўлиб ўтган катта-катта илмий анжуманларнинг йўналишини белгилади. Стилистиканинг предмети, методлари, асосий категориялари, нутқ стилларининг классификацияси, экстралингвистик ва лингвистик факторлар, уларнинг ўзаро муносабати каби қатор масалаларга аниқлик киритила бошланди. Илмий тадқиқотлар илгари асосан бадиий адабиёт материаллари асосида олиб борилган, ҳатто дарслик ва қўлланмалар учун ҳам фақат бадиий асарлар материал сифатида ҳизмат қилган бўлса, кейинги йилларда лингвистик тадқиқотлар учун нутқ услубларининг барчаси объект қилиб олина бошланди. Нутқни фақат тилшунослик ўрганмайди. У психологиясининг ҳам текшириш объектидир. Нутқ жараёни, яъни гапириш, эшитиш, тилни билиш жараёнлари ва бунинг психо-физиологик асослари, нутқни қабул қилиш, тушуниш шароитлари, нутқнинг айрим ўзига хос кўринишлари, ички нутқ, кишининг индивидуал тараққиётида, айниқса унинг ёшлигида нутқнинг шакллана бориши каби масалалар психологик томондан ўрганилади. Бу масалаларнинг айримлари тилшуносларни ҳам қизиқтирса-да, лекин улар учун тилнинг қўлланишини ва тараққиётини ўрганиш муҳимдир. Тилшунослик тилнинг иш кўриш қонуниятларини, нутқ структурасини ўрганади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Стилистика курсининг долзарблиги нимада?
2. Стилистикага дунё миқёсида қандай эътибор берилмоқда?
3. Туркология ва ўзбек тилшунослигида стилистикага қандай эътибор берилмоқда?

АДАБИЁТЛАР:

1. Шомақсудов А., Расулов И., Кунгуров Р., Рустамов Х., Ўзбек тили стилистикаси Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983
2. Винаградов В.В Стилистика. Теория поэтической речи. Москва, 1963

2-МАРУЗА

ЎЗБЕК ТИЛИ СТИЛИСТИКАСИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Стилистика ва унинг вазифалари

2. Фонетика ва стилистика

4. Грамматика ва стилистика

Тадқиқотчилар стилистиканинг ўрганиш объекти тил стиллари, лексик, грамматик синонимия ҳамда тил воситаларининг маъно ва қўлланиш имкониятларини текшириш деб билсалар ҳам, лекин буларни ёритишда, классификация қилишда, тил воситаларининг стилистик ва эмоционал-экспрессив бўёқларини тушунишда бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Академик В.В.Виноградов стилистика баҳсида бир-бири билан узвий алоқадор, лекин вазифалари турлича бўлган учта текшириш аспектини фарқлаш зарур, деб уқтиради. У стилистикани 3 қисмга ажратади: 1) тилнинг функционал стилларини ўрганувчи стилистика (структурная стилистика); 2) турли жанрларнинг семантик ва экспрессив-стилистик характерларини ҳамда оғзаки ва ёзма нутқ орасидаги фарқни текширувчи нутқ стилистикаси (стилистика речи); 3) адабий йўналишлар, бадиий асар ҳамда ёзувчи услубини тадқиқ этувчи бадиий адабиёт стилистикаси.

Кўринадик, стилистика ҳар бири ўз муайян стилистик белгисифатларга эга бўлган стилларни ўрганади. Масалан, функционал стилистика илмий, расмий, публицистик, бадиий стилларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ифода воситаларини текширади.

Миллий тил стилистикасининг мундарижаси бирмунча кенг бўлиб, у тилнинг барча стилистик системасини текширади. Бу стилистик система стиллардан ташқари, тилнинг ёзма ва оғзаки формаларини, адабий ва сўзлашув нутқ кўринишларини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, стилистика тил бирликларидан қайси бири у ёки бу стилда, ёзма ё оғзаки нутқда кўпроқ ишлатилади, деган масала билан ҳам шуғулланади. Бундан ташқари, стилистикага фикр ва мақсадни ифодалашда тил воситаларининг

тўғри танглаб ёки танланмаганлиги аниқлаш ҳамда шут ил воситаларини мақсадга мувофиқ танлаш ва ишлатиш йўлларни белгилаш вазифалари юклатилади. Стилистиканинг вазифасини бу тарзда шарҳлаш унинг мундарижасини Яна ҳам кенгайтиради. Стилистикада синонимия масалаларини ўрганиш ҳам марказий ўринни эгаллайди. Аммо тилдаги синонимиянинг умумий қонуниятларини ўрганиш стилистиканинг объектига қирмайди. Стилистикада синонимик муносабатларнинг барча кўринишлари: сўзларнинг стилистик сифатлари, синтактик конструкцияларининг қўлланиш хусусиятлари ўрганилади.

Стилистик белги-сифатлар тил бирликларининг барчасида мавжуддир. Фонетик морфологик, синтактик ва лексик бирликлар стилистиканинг ҳам предмети ҳисобланади.

Фонетик ва стилистика. Фонетика нутқ органларининг товуш ҳосил қилиш пайтидаги ҳаракати ва ҳолати-артикуляцияни, товуш ўзгариш қонуниятларини, унинг интонацияси каби масалаларни текширади. Фонетик стилистика эса товушларнинг бир-бирига боғланишининг экспрессив-стилистик имкониятларини, ҳуллас, нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганади.

Лексикология ва стилистика. Лексикология тилнинг луғат составини, унинг тарихий қатламлари, бойиб бориши ва тараққиёт йўлларини, сўзни, унинг маъносини, қўлланишини ва у каби масалаларни ўртагади. Лексик стилистика ҳам луғат составини ўғанади, лекин уни сўз ишлатиш, сўздан фойдаланиш қонуниятлари томонидан текширади. Лексик стилистика сўз ёки сўз бирикмаларининг экспрессив томонини ўрганади. Демак, бир хил тил ходисаси лексикологик ва стилистик таҳлилда турлича ёритилади. Бу нарсалар лексикология билан стилистиканинг лексик ходисаларга ёндашишдаги принципиал фарқини кўрсатади.

Грамматика ва стилистика. Грамматиканинг гапда сўзларнинг ўрганиш ва бирикиши, сўз шакллари ва гап қурилиши каби ходисалар ҳақида умумий қоидаларни белгилаб бериши назарда тутилса, унинг

стилистика билан ҳам алоқадор экани тасаввур қилинади. Стилистика биринчи галда фикрни равшан ва аниқ бера олиш учун грамматика белгилаб берган умумий қоидалардан қайси бирини қандай ҳолатда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлишини белгилаб беради. Гапда фикрни тушунарли ифодалаш учун фақат грамматика қоидаларига риоя қилишнинг ўзигина кифоя қилмайди, гапни стилистик тўғри туза билиш ҳам керак. Масалан: Бирз нуқсонларни тулатиш учун зарур(керакли) ёрдам кўрсатишлари зарур.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1.Стилистиканинг асосий мезонлари нимада?
- 2.Стилистиканинг бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида нималарни биласиз?
- 3.Стилистикага боғлиқ қандай йирик асарларни биласиз?

Адабиётлар:

- 1.Киличев Э. Узбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, 1983
- 2.Киличев Э.Узбек тилининг амалий стилистикаси. Тошкент, 1985
3. Шомаксудов А, Расулов И, Кунгуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси, Тошкент,1983

3-МАРУЗА

ЎЗБЕК СЎЗЛАШУВ НУТҚИ СТИЛИСТИКАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

РЕЖА:

1. Оддий ва адабий сўзлашув стили.
2. Сўзлашув стилининг фонетик хусусиятлари.
3. Сўзлашув стилининг лексик-фразеологик хусусиятлари.

Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув стили икки турга ажратилади: адабий сўзлашув стили ва оддий сўзлашув стили.

Адабий сўзлашув стили тилнинг адабий нормаларига мос, тартибга солинган ва ишланган бўлиши билан характерланади. Унинг тили сода: жаргон ва шева элементларидан холидир. Адабий сўзлашув стили ўз адабий тилини билган кишилар учун таниш ва маълум бўлган асосий стиль ҳисобланади. Тилнинг адабий сўзлашув стили кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қилади мактабларда ва ўқув юртларида ўқитиш ишлари шу стилда олиб борилади, ундан бадиий адабиётда жуда кенг фойдаланилади. Қисқаси адабий сўзлашув стили умумхалқ адабий тилининг энг кенг ва универсал туридир.

Оддий сўзлашув стили учун эса бетакаллуфлик билан эркин муаммо-алоқа қилиш характерли хусусиятдир. Унда сўзлашув нуткига хос эмоционаллик яққол сезилиб туради. Бу ҳол, айниқса, унинг синтактик қурилишида, луғат бойлигидан сўз танлашида яққол кўринади. Оддий сўзлашув стили таркибига сода тилга хос элементларни, яъни у ёки бу даражада тилнинг адабий нормаларига мос келмайдиган фонетик, грамматик ва лексик-фразеологик ҳодисаларни киритиш мумкин.

Сўзлашув стилнинг бу икки тури ўзининг бир қатор грамматик, лексик-фразеологик ва фонетик хусусиятларига эга.

Сўзлашув стилининг фонетик хусусиятлари. Сўзлашув стилида, бир томондан, умуми адабий тилга хос, иккинчи томондан, оғзаки нутққа хос талаффуз хусусиятларини кўриш мумкин.

Нутқнинг характер ва хусусиятларига кўра талаффуз нормаларини икки типга ажратиш мумкин. Биринчи тип талаффуз нормаси лекторлар, актёрлар, дикторлар, нотиклар нутқи учун характерли бўлиб, адабий тил нормаларига риоя қилишни талаб этади, унда ҳар бир сўз аниқ, дона-дона талаффуз қилиниши шарт.

Талаффузнинг иккинчи тип нормаси эса, асосан, сўзлашувда, оғзаки нутқда учрайди. Сўзлашув стилида умумистеъмолдаги адабий-нейтрал сўзларни талаффуз қилишда бирмунча эркинлик сезилиб туради. Сўзлашув стилига мансуб сўзлар кўпинча амалдаги адабий-норматив шакллардан фарқланувчи ёки унга қарама-қарши келувчи фонетик белгиларга эга. Бунинг қуйидаги кўринишлари мавжуд.

- 1) Сўз таркибидаги товушларнинг ўрин алмашиниши: қийғир, налат, шапра, сўзлари талаффузига кўра жонли сўзлашувга хос бўлиб уларнинг адабий талаффуз формаси қирғий, лаънат, шарпа
- 2) Сўз таркибидаги товушларнинг тушиб қолиши: Қуфламоқ (кулфламоқ), ташамоқ (ташламоқ), кўкартмоқ (кўкартирмоқ), барикарам (барги карам).
- 3) Бирор товушнинг орттирилиши: Чечмоқ (ечмоқ), қамчин (қамчи), корчаллон (Корчалон), янгитдан (янгидан).
- 4) Товуш алмашиниши: бўқоқ (буқоқ), мўнчоқ (мунчоқ), кўмирчак (кемирчак), куйнак (куйлак), танов (тарнов), қамич (қамиш), нусқа (нусха), қалмоқ (қармоқ), қимилламоқ (қимирламоқ), тиқиллатмоқ (тиқирлатмоқ), бойламоқ (боғламоқ), ва бошқалар.
- 5) Аффикслар қўшилиши натижасида ўзак-негизларда ҳосил бўладиган қисқартмалар: опти (олипти), кепти (келибди), опкетти (олип келибди).

Талаффузнинг бу усулига хос кўринишларидан бадий адабиётда оғзаки нутқни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида фойдаланилади.

Сўзлашув стилининг лексик-фразеологик хусусиятлари.

Сўзлашув стилида ишлатиладиган луғатнинг асосий қисмини актив лексик қатлам ташкил қилади. Шунингдек, адабий-нейтрал луғатнинг катта бир қисми кундалик ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни ифодалашга оид бўлиб, улар ҳам асосан, сўзлашув стилида ишлатилади. Масалан: нон, ош, туз, ер, осмон, қуёш, юлдуз, киши, бола, эр, хотин, ўртоқ, оёқ, қўл, кўз, ота, она, китоб, қалам, халқ, олмоқ, келмоқ, ухламоқ, сен, биз, у, бу ва бошқалар. Сўзлашув стилидан кишилар фақат кундалик турмуш муомаласидагини эмас балки хилма-хил шароитларда- уйда, кўчада ва иш жойларида ҳам фойдаланадилар. Шунинг учун сўзлашув стилида кундалик турмушга оид луғатдан ташқари, сиёсат, санъат, маданият, спорт ва сўзловчининг касб-хунарига мансуб хилма-хил нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи умумидабий лексика кўплаб ишлатилади.

Сўзлашув стилининг асосини ташкил этувчи умумидабий лексика «махсуслик» хусусиятига эга бўлмай, балки ҳар қандай нутқ стилида ҳам, турли хил фаолият доирасида ва ижтимоий муҳитда ишлатилиши жиҳатдан стилистик нейтрал ҳисобланади. Сўзлашув стилини асосан сўзлашув бўёғига эга бўлган лексика характерлайди. Стилистик бўёқли сўзлашув элементларига оддий сўзлашув ҳамда сода тилга оид лексика киради. Оддий сўзлашув лексикасига, юқорида айтиб ўтилганидек, адабий тил нормаларига кўпроқ ишлатиладиган сўзлар киради. Сода тилга эса адабий нормага у ёки бу даражада мос келмайдиган лексика киради. Сўзлашув стили салбий ва ижобий муносабатни ифодаловчи экспрессив лексикага жуда бой. Масалан, бола, фарзанд, жужук, чурвақа сўзлари ўзаро маълум семантик муносабатда бўлиб, асосан бир маънони англатади. Булардан бола сўзи бетараф, у барча нутқ стилларида кенг қўлланади. Фарзанд сўзи кўпроқ китобий стилга хос. Жужук эса жонли сўзлашувга хос бўлиб, унда эркалаш-суйиш оттенкаси

бор. Чурвақа сўзида эса стилистик бўёқ жуда аниқ сезилади ва бу сўзда умуман менсимай қараш маъноси мавжуд.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Стилистикага оид қандай асосий адабиётларни биласиз?
2. Стилистикага оид қандай илмий тадқиқотларни биласиз?
3. Сўзлашув стили таркибига қандай элементларни киритиш мумкин?

АДАБИЁТЛАР:

1. Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1981
2. Кунгуров Р., Каримов С., Курбонов Т. Нутқ маданияти асослари, I қисм, Самарқанд, 1985
3. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар, 1-қисм. Самарқанд, 1975.

4-МАВЗУ:

ЎЗБЕК РАСМИЙ-ИДОРА НУТҚИ СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

- 1. Расмий ҳужжатлар стилининг қўлланиш доираси**
- 2. Шартнома ва юридик ҳужжатлардаги мураккаб синтактик қурилишлар**
- 3. Ҳарбий буйруқларнинг синтактик қурилишлари.**

Расмий ёзишма ва ҳужжатлар стили иқтисодий, юридик ва дипломатик муносабатларда, давлат идоралари, судлар, савдога доир ўзаро муомалаларда алоқа қилиш учун ишлатилади. Шунга кўра, бу стилда юридик қонун моддалари, дипломатик мурожаатномалар-ноталар, ҳукумат идораларининг қарорлари, буйруқлар, шартномалар, расмий эълон ва хабарлар, ёзишмалар ва шу каби ҳужжатлар ёзилади.

Расмий ёзишма ва ҳужжатлар стилининг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хил бўлганлигидан унинг таркиби ҳам турличадир. Улар лексик-фразеологик ҳамда грамматик воситаларни танлаш ва ишлатиш жиҳатидан бир-биридан озми-кўпми фарқ қилади. Масалан, қарор ва баённома ишларида таъкидлов қисми билан қарор қилув қисмларининг ўрнини алмаштириб бўлмайди. Баён қилинган фикрларнинг изчиллик билан узвий боғланган бўлишига алоҳида эътибор қилинади.

Идоравий ёзишмаларга оид қоғозлар, чунончи, справка, тилхат, чакирик хати, тушунтириш хати, таклифномалар қисқа ва аниқлиги билан ажралиб туради. Тилдаги муайян нутқий штамплар, қатъий одат тусига кириб қолган формалар идоравий ёзишмалар хос хусусиятлар саналади. Бу ҳолат идоравий иш қоғозларининг вазифаси ва характеридан келиб чиқади. Нутқий штамплар матнга расмийлик оттенкасини киритади. Расмий эълон ва хабарлар ҳам қисқа, сода, равон ва тезда англашиларли бўлиши талаб қилинади. Лекин ифодаланиш жиҳатидан жуда мураккаб бўлган юридик қонун ва ҳужжатларни баъзан бир неча бор ўқишда тушуниб олинади. Зарурият бўлса, бир неча бор такрор-такрор ўқилади, хатто ҳуқуқ

масалалари бўйича маслаҳат берувчи мутахассисларга – юрист-консультларга ҳам мурожаат қилинади.

Давлатлар ўртасида тузилган шартномалар халқаро муносабатларда қабул қилинган намуналар бўйича расмийлаштирилади. Одатда, шартномалар-преамбула билан, яъни умумий кириш қисми билан бошланиб, бунда ахдлашувчи томонлар санаб ўтилади, шартноманинг мақсади ифода қилинади. Шундан сўнг, шартноманинг моҳиятини баён қилувчи асосий қисми берилади. Яқунловчи қисмида эса, шартноманинг кучга кириш шарт-шароитлари, тузилган жойи, вақти, қайси тилларда ва неча нусхада тузилганлиги кўрсатилади. Охирида эса ахдлашувчи томон вакиллари имзо чекадилар. Баъзан шартномага қўшимча иловалар ҳам киритилиши мумкин.

Шартноманинг лексик-фразеологик ва грамматик хусусиятлари расмий ҳужжатлар стилининг барча намуналари билан умумий белгиларга, шунингдек, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан: Мўътабар Ахдлашувчи Томонлар, Ахдлашувчи Олий Томонлар, элчи, элчихона, мухтор вакил, фавқулодда ва мухтор элчи, ишончли вакил, ишонч ёрлиғи, ишонч ёрлиқларини топширмақ, нота, ратификация, дипломатик статус, давлатнинг статус мустақиллиги, статус-қвони сақламоқ, статус-қвони тикламоқ, дипломатик корпус.

Шартномалар ҳам юридик ҳужжатлардаги каби мураккаб синтактик қурилишга эга. Лекин шартноманинг мураккаб синтактик комплексдан иборат кириш қисми, унинг алоҳида элементларини кўрсатувчи абзацларга ажратилган бўлади. Нутқни бундай қисмларга ажратиш эса текстни ўқишни бирмунча енгиллаштиради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Киличев Э. Узбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, 1985
2. Кунгуров Р., Каримов С., Курбонов Т. Узбек тилининг функционал стиллари, Самарқанд, 1984
3. Шомаксудов А. Узбек тили стилистикаси. Тошкент, 1981

ЎЗБЕК ИЛМИЙ НУТҚИ СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Илмий стилнинг грамматик қурилиши.
2. Ўзбек илмий стилида образли номларнинг роли.
3. Илмий стил ва унинг илмий-оммабоп кўриниши ўртасидаги тафовутлар.

Илмий стилда табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар аниқ таърифланади, тушинтирилади. Бу стиль ўзининг алоқида вазифага эга эканлиги билан ажиралиб туради. Илмий стил илмий терманология билан боғлиқ. Адотда терминлар илмий стилнинг лексикасини ташкил қилади. Лекин асарлар тили фақат терминлардан гина ташкил топмай, унда кўп маънолилиқ хусусиятига эга бўлган умум халқ сўзлари ҳам кенг қулланади. Илмий стилда яна фаннинг турли соқаларига оид символ ва белгилер рақамлар ҳам ишлатилади.

Илмий стилнинг грамматик қурилиши мантиқий боғлиқликни, изчиликни, синтактик аниқликни талаб этади. Шунинг учун илмий стилда эллифсис (назарда тутилган бирорта сузнинг тушиб қолиши) ҳодисасидан қочилади. Масалан: Агар ёқилги оддий модда, масалан, кўмир бўлса, унинг тўла ёниши натижасида карбонат ангидрид ҳосил бўлади: Бунда углерод кислород билан оксидланади.

Илмий стил эмоционал ва образли бўёққа ҳам эга бўлади. Бу стилнинг аниқ ва равшан бўлишини унинг образли ва эмоционаллигига қарама-қарши кўйиш тўғри эмас. Буни фалсафа, математика, механика сингари анмиқ фанлар доирасида ҳам кузатиш мумкин. Поляк олими Леопольд Инфельдининг бутун дунёга машҳур физик тадқиқотчи эйнштейн ҳақида айтган куйидаги сўзлари ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. «Эйнштейн икчам, ажойиб қилиб ёзарди, унинг услубидан фоззия нафаси сезилиб турарди.» Эйнштейн ҳаёти ва фаолиятиги оиди қотираларида ёзилишича,

«олим ўз суҳбатига баъзан жонли-қизиқ ўқшатиш қўшиб ёборади... Ҳажиб, ҳазил, аския-Эйнштейн қўлида илмий тушинтиришга хизмат қилади.»

Ўзбек илмий стилида образли номларнинг роли жуда каттадир. Масалан: оқ тупроқ, қора тупроқ, қизил тупроқ, қўнғир тупроқ, шўртупроқ; вулқон гумбози, вулқон ўчоғи, вулқон бомбалари; музлик камари музлик дарвозоси, муз тили, кулча муз, маржон қорғоқ; ой ўтови, сероз тони дарё, патсион булутлар таби терминлар ҳам аслида образли ифодалардан келиб чиққан.

География ва астрономияда ҳам шунга ўхшаш атамаларини учратиш мумкин: Қуш бозорлари («базары птичьи» ёзда тундрада қушларнинг тўпланадиган жойлари), қўй пешаналари (бараньи лбы-қадимги музлик силлиқлаби кетган дўнгликлар), -илон изи (меандр), учар юлдуз (метеор), қўйруқли юлдуз (комета), сомон йўли ва бошқалар.

Албатта, илмий стилдаги образлиликдан илмий стилдаги образлилик билан бадиий адабиётда эса ўқувчига эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Образлилик (эмоционаллик) категорияси агар илмий стилда «сўнган, нурсиз» ҳолда кўринса, бадиий адабиётда эса «жонли» тарзда намоён бўлади. Масалан, учар юлдуз, соман йўли астраном учун, аввало, термин васифасини ўтайди, ёзувчи учун эса бу сўз бирикмалари ўхшатиш ёки образли ифода манбаи бўлиши мумкин. Илмий стилнинг барча белги-аломатлари уларнинг ҳар бирида ўзига хо бир шаклда такрорланади. Масалан, илмий стилнинг оммабоп вариантыда ёзилган бирор фанга ойд китоб, мақола ва лекциялар шу фан масалалари билан таниш булмаган кишилар учун мўлжалланганда материал уларга тушунарли шаклда баён этилади, фикр жонли ва қизиқарли қилиб тушунтирилади, илмий терминлар кам қўлланади, умуман таниш бўлмаган термин ва мавҳум формулалар ўрнига конкрет тасвирий материалларга кенгроқ ўрин берилади. Баъзан айтилаётган фикрнинг образлилик ва эмоционаллигини таъминлаш учун бадиий нутқ усулларида ҳам фойдаланилади. Лекин илмий стиль билан унинг илмий-оммабоп кўриниши ўртасидаги, бу хилдаги тафовутлар илмий

стиль тушунчасининг бир бутунлигига, яхлитлигига, путур етказмайди. Масалан:

Ховузнинг қирғоқларида ҳосил бўлган юпка муз астасекин ховузнинг ўртасига чуқурроқ жойларига силжиб, кўп ўтмай бутун сув устини тиник шаффоф муз қатлами қоплаб олади. Қаҳратон совуқлар бошланади, музнинг калинлиги бир метрда яқинлашиб қолади.

Маълумки, темирчи темир чамбаракни ғилдирак тўғинига кийгизишдан олдин қиздиради. Чамбарак совиганида қисқариб, тўғинни маҳкам сиқиб туради.

Автор илмий-оммабоп текстнинг бошланиш қисмида ифодали сўзлар, тасвирий деталлар ват илнинг бошқа хилма-хил стилистик воситалари ёрдамида ўқувчини ўзининг асосий мақсади сари йўналтиради. Сўнгра маълум илмий мавзунинг (жисмларнинг иссиқликдан кенгайиши ва совуқдан торайиши) хусусиятини турли хил мисоллар билан тушунтиради. Матн охирида эса автор ўз кузатишлари асосида соддагина умумлаштирувчи хулоса чиқаради. Фикрни илмий стилга хос аниқ ва равлон формада яқунлайди.

Махсус соҳалардан, хусусан, фан, техника, санъат, сиёсат, дипломатия соҳаларида ҳам ҳамма нарсa борлиқни фақат мантиқан жиҳатдан билишга қаратилганлиги сабабли улар сўз ва терминларнинг ниҳоятда равлан, аниқ бўлишини талаб қилади. Лекин терминлар қанчалик тўғри танланган ва равлан, аниқ англашиладиган бўлмасин, уларни у ёки бу қондани тарифлаш жараёнида қайта-қайта такрорлайвериш ҳам маълум даражада стилистик монотонликка (бир хиллиликка, бир тарздаликка) олиб келади. Стилистик монотонлик математика ёки физика фанларида унчалик сезилмаса-да, лекин биология, геология, айникса тарих ва филология фанларида очик кўриниб туради. Шунинг учун ҳам бирор қатъий илмий қонда ва таърифни ёритувчи олимлар олдида кўпинча илмий баённинг жиддийлигига ҳалал етказмайдиган ва илмий стилни жонли ва таъсирлилигини таъминлайдиган терминларнинг синонимик эквивалентини топиш масаласи туради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек тилининг илмий стили. Тошкент, Фан, 1984
2. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. Самарқанд, 1982
3. Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. Ташкент, Фан, 1979

ЎЗБЕК ПУБЛИЦИСТИК НУТҚИ СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Публицистик стилнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши.
2. Публицистик стилнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари.
3. Публицистикага хос умумий белгилар.

Публицистика (лотинга «publikus-«ижтимоий» сўзидан олинган) кенг манода ижтимоий сиёсий ҳаёт масалаларини юритадиган барча турдаги асарларини ўз ичига олади. Публицистик стиль ўзбек адабий тилининг нутқ стиллари системасида асосан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида пайдо бўла бошлади. Чунки бу даврга келиб яъни 1883 йилнинг бошларидан бошлаб ўзбек тилида тўнғич газета «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлади.

XX аср бошида эса нашриёт ва вақти матбуот ишлари доирасининг доирасининг янада кенгайиши ҳамда ўзбек демократик ёзувчилар ижодида бадиий публицистиканинг кенг ўрин олиши каби омиллар ўзбек адабий тилида публицистик стилнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида катта роль ўйнайди. Янги демократик публицистика стили Фурқат, Ҳамза, Сатторхон, сингари ёзувчилар ижодида янада ривожланди. Публицистик стиль ўзининг ёзма ҳамда оғзаки кўринишларига эга. Ҳаётнинг муҳим ижтимоий –сиёсий масалаларига боғишланган публицистик бош мақолалар мурожаатномалар, қаҳриқлар публицистик стилнинг ёзма турдаги асарларидир.

Публицистик стилнинг оғзаки турига эса нотиклик киради. Ўтмишнинг машҳур нотиклари кишиларнинг ижтимоий алоқа қуроли бўлган тилдан маълум ғоявий мақсадни ифодалаш ҳамда эстетик таъсир этиш воситаси сифатида моҳирона фойдаланиб келганлар. Публицистик стилнинг оғзаки турига кундалик воқеаларга доир мақолалар ёки ҳалқаро обзор билан радио ва телевиденияда чиқаётган шарҳловчиларнинг нутқлари киради.

Публицистик стилнинг ёзма ва оғзаки кўринишлари ўзига хос хусусиятларига эга бўлса-да, улар публицистик стилнинг умумий талабларига бўйсунди. Чунончи, бу стилнинг иккала турида публицистикага хос сиёсий активлик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиклик, мантикий саловат, ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар мавжуд бўлади. Публицистикага хос умумий белгиларга автор муносабатининг ошкора ва аниқ ифодаланиш хусусияти ҳам киради. Авторнинг воқеликка муносабати фактларни танлашида, уларни ўз дунё қараши ва эстетик тамойили асосида мантикий таҳлил қилишида ва ниҳоят, тилнинг эмоционал-экспрессив воситаларидан фойдаланишида ўз ифодасини топади. Публицист катта (ёшдаги) ҳаётий масалаларни мантикий мулоҳаза, далил, асослар билан тушунтириши, исботлаши билан бирга ўқувчи ёки тингловчини бунга ишонтириши унинг ирода ва хис туйғуларига таъсир этиши лозим. Шунинг учун публицистик стиль ўзида ёзув нутқи стилларига хос хусусиятларини ҳам (масалан, махсус ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳага оид терминологиянинг ишлатилиши), бадиий адабиёт стилига хос хусусиятларни ҳам (масалан, образли ифодаларни ишлатиш, эмоционал бўёққа ҳам эга бўлиши) бирлаштирилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шомаксудов А. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент. 1981
2. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Тошкент, Фан, 1982
3. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. Тошкент, Фан, 1988.

АДАБИЙ ТИЛ НОРМАЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

РЕЖА:

1. Тил нормасининг ижтимоий аҳамияти.
2. Нормаларнинг узлуксиз ўзгариб туриши.
3. Норманинг табиатини аниқлашда ижтимоий шароитларнинг, нутк эстетикаси тамойилларининг ҳамда маданий муҳитнинг аҳамияти.

Тил-кишилиқ жамиятининг энг муҳим алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий ҳодиса бўлмиш тил ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий вазифани бажаради. Тилнинг мана шундай муҳим аҳамияти ва моҳияти кишиларда алоқа ва тафаккур қилишнинг қудрати ва ўткир қуроли бўлган тилга эътибор билан, ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни талаб қилади.

Тил меъёри катта ижтимоий аҳамиятга эга: у тилда уни бузилишдан сақлайди, авлодлар ўртасидаги алоқани, турли даврдаги маданий ананалар изчиллигини таъминлайди. Шунинг учун адабий тил нормалари стабилъ (барқарор) ва мустаҳкам бўлиши керак. Аммо ҳаддан ортиқ барқарорлик ҳам тилнинг ҳаётий ва самарали ривожланиш жараёнига тўғаноқ бўлади. Масалан, иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилиши ўзбек адабий тили тарихида, асосан, -ур формаси орқали ифодаланар эди: қилур, келур, олур каби. Ҳозирги тилимизда бу форманинг, асосан, -ар шакли қатъийлашди.

Тил нормасини белгилайдиган белги-хусусиятлардан бири меъёрнинг узлуксиз ривожланиб боришидир. Адабий тил нормалари доимий ривожланиб, ўзгариб туради. Меъёрларнинг ўзгариб туриши тил ривожининг ички тараққиёти туфайли содир бўлади. Айни нутқнинг ўзи, яъни тилнинг конкрет ҳаракати тил нормаси ўзгаришнинг манбаи ҳисобланади. Аммо нутқда янги факт тилнинг эътироф қилинган нормаси бўла олиши учун муайян муддат ўтиши зарур, бошқача қилиб айтганда, ушбу ҳодиса маълум малакага эга бўлиши керак. Масалан, 30-йилларгача

Ўзбек тилида қўлланиб келган баъзи сўзлар ўткинчи бир ходиса бўлганидан нормага айланмай, сўнги йиллар давомида ишлатилишдан чиқиб кетди. Чунончи (меҳнаткаш), мирғазаб (турма назоратчиси) каби сўз ва терминлар ҳозир фақат ўтмиш луғатига хос бирликлар саналади.

Амалиётда эса адабий тил нормалари эътиборли ёзувчиларнинг сўз ишлатишларини кузатиб бориш йўли билан белгиланади. Адабий мисолларга таяниш, уларни далил қилиб келтириш у ёки бу сўз ва ибораларнинг тўғрилигини тасдиқловчи усулдир. Аммо, «адабий тил» ва «Бадиий адабиёт тили» бир хил тушунча эмаслигини унутмаслик керак. Бадиий адабиёт тил ва доирасидан бирмунча четга чиқади. Ҳаётнинг ҳақиқий тасвирини бериш мақсадида ёзувчилар ўз асарларида «адабий бўлмаган» сўз ва ибораларни қўллайдилар, адабий тил нормасидан асосли равишда қилинган чекинишларга йўл қўядилар. Баъзан ёзувчилар, ҳатто етук сўз санъаткорлари тилида ҳам хато ва нуқсонлар учраб туради. Бундай адабий мисолларни эътиборли манба деб бўлмайди ва улар тилни нормалаштириш ишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бадиий адабиётда тил нормаси ўзига хос йўсинда ҳал қилинади.

Классик ёзувчилар халқдан тил ўрганишдан ташқари, ўзлари ҳам тилни ишлаш, мукаммаллаштиришдек юксак вазифага дўр хисса қўшганлар. Буюк ёзувчилар ўз маҳоратлари ва нуфузлари билан, бир томондан меъёрни яратиш ва тузишга кўмаклашсалар, иккинчи томондан, норманинг кенгайиб, ўзгариб, унинг узлуксиз ҳаракат-ҳолатда бўлиб туришига таъсир кўрсатадилар. Демак, биз уларнинг асарларида халқ тилининг бойлиги ва гўзаллигини ҳам, буюк санъаткорнинг тилидаги индивидуал ўзига хос белгиларни ҳам ва ниҳоят, уларнинг тил нормасига кўрсатган таъсирини ҳам кўраемиз.

Машҳур ёзувчиларнинг нормага бўлган таъсирлари адабий тилнинг тез тараққий қилаётган даврида, айниқса сезиларли бўлади. Масалан, XIV-XV асрларда яшаб ижод қилган буюк шоирлар: Атоий, Саккокий, Лутфий, хусусан, Навоийнинг бу борадаги хизматлари жуда ибратлидир. «Бу

даврадаги ижтимоий фикр, адабиёт, илм чуқур ҳаётийлик характериға эға бўлиб, асрлардан бери давом этиб келаётган таркидунёчилиқни суриб ташлайди. Юқорида номлари зикр этилган шоирлар тил соҳасида ҳам эски ҳоким ананани отиб ташлаб, паймол этилган ўзбек тилининг мавқеини юқори кўтардилар, ўзбек тилида ёзиб, унинг жуда катта илмий адабий имкониятларға эға эканлиғини, бойлиғини намоиш этдилар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Щербал.В. Современный русский литературный язык. Москва, 1957
2. Корчагин А.А. О культуре речи, Минск, 1956
3. Шомасудов А, Расулов И, Кунгуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983

8-МАВЗУ

ЎЗБЕК ЛЕКСИК УСЛУБИЯТИ.СЎЗ ҚЎЛЛАШ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

РЕЖА:

1. Сўз ва унинг маъноси.
2. Омонимлар ва уларнинг турли кўринишлари.
3. Идеографик, стиль ва стилистик синонимлар.

Сўз ва унинг маъноси. Нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши, аввало сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ. Сўзни ўз ўрнида тўғри ишлата билиш учун унинг лексик маъносини англаш зарур.

Сўзнинг лексик маъносини тушунмаслик уни хато қўллашга олиб келади. Масалан: ўн кун деганда ер ҳайдаш ва ариқ чопиш тугалланди. Бу гапда чопиш сўзи хато қўлланган. Одатда, ариқ чопилмайди, қазилади. Секин аста деб, хотиржам юраверсангиз ғалвир сувдан кўтарилганда, бригада аъзолари юзингизга қора куя чаплайди. Бу мисолда чапламоқ феълнинг лексик маъносидан тўғри фойдаланилмаган. Одатда, қоракуя суртилади, лой чапланади.

«Сўз барча фактлар, барча фикрлар либосидир» (М.Горький) «Агар бирор нарсани аниқ ифодалай олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки укувсиз маҳоратимиздан гина қилишимиз керак», - эди, (В.М.Ломоносов.)

Сўз санъаткорлари тилга алоҳида эътибор бериб келдилар, услуб ва ифоданинг содда бўлишини, нутқда фикрий мужмалликга йўл қўймасликни тарғиб этдилар. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий тилга –эътибор, деб тилнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Бобур эса ўғли Ҳумоюнга ёзган мактублардан бирида унинг (ўғлининг)

Хатда фикр равонлиги ва аниқлигига риоя қилинмаганлигидан ташвишланиб «хатингни худ ташвиш билан ўқиса бўлади... Мундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бот, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқиғувчига», - деган эди.

Она тилини мукаммал эгаллаш учун тилнинг назарий ва амалий асосларидан хабардор бўлиш керак. Чунончи, гап составидаги сўзнинг самантикаси- маъно томони, қўшимча эмоционал –экспрессив оттенкаси ва стилистик белгилари, фикрни сўз воситаси билан логик жиҳатдан тўғри ифода қилиш усуллари ва шунга ўхшаш масалаларини пухта билиш зарур. «Она тилини ўрганиш,- дейди, М.И.Калинин, - ниҳоятда улуғ бир иш. Инсон тафаккурининг эришган энг юксак ютуқлари, энг чуқур билимлари ва ғоят оташин ҳислар, агар улар сўз воситаси билан аниқ ва равшан ифода қилинмаса, одамлар учун наъмуналигича қолаверади. Тил фикрни ифодалаш қуролидир. Бинобарин, агар фикр нутқ воситаси билан баён қилинган бўлса, агар у тил воситаси билан рўёбга чиққан бўлса, агар у, философлар тили билан айтганда,- бошқаларга бевосита бориб етса, реаллашсагина фикр бўла олади ».

Омонимлар. Ҳар бир тилнинг луғат составида товуш таркиби ва ёзилиши жиҳатидан бир хил аммо маъноси ҳар хил бўлган сўзлар муайян миқдорда топилади. Бундай сўзлар омонимлар группасина ташкил қилади.

Фонетик (товуш) томондан бир хил – шакли ўзаро тенг келиб қолган икки ва ундан ортиқ сўзлар омонимлардир. Омонимлар маъно жиҳатдан ўзаро муносабатда бўлмайди. Бошқа –бошқа тушунчаларни англатади. Масалан: От (уй ҳайвони, исм, буйруқ феъли), кўп маъноли сўзларнинг шакли асли бита бўлиб, маънолари ўзаро бир-бирига жуда алоқадор, бири иккинчисига боғлиқ бўлади. Масалан, Бош сўзи: кўчанинг боши, гапнинг боши, томнинг боши, ернинг боши.

Ўзбек тилида омонимлар турли кўринишларга эга. Чанг (тузон маъносида) – чанг (муסיқа асбоби)- яқмоқ (чироқни ёқмоқ) – яқмоқ (унинг нутқи менга жуда ёқди) «Хуш келмоқ, маъқул бўлмоқ») каби барча грамматик формалари тенг, бир сўз туркумига кирувчи сўзлар омонимлар дейилади. Омонимларнинг иккинчи типи – омоформалар. (лотинча-шакл маъносини англатади.) бир хил талаффуз қилинадиган ва бир хил ёзиладиган сўзлар омоформалар дейилади.омоформалар кўпинча бошқа-бошқа сўз

туркумларига мансуб бўлади. Масалан: олма, (от)- олма(феълнинг буйруқ шакли), қўй(уй ҳайвони)-қўй феълнинг буйруқ шакли. Омонимларнинг 3 типи омофонлардир. Булар айтилиши (ўқилиши) бир хил, аммо ёзилиши ва маъноси бир хил бўлган сўзлардир. Масалан: етти (сон)-етти (феъл)- ёт (бегона, буйруқ феъли)- ёд (хотира).

Оммофонларин фарқламаслик кўпинча оғзаки нутқда дудмонликка олиб келади. Омонимларнинг тўртинчи типии омографлар бўлиб, улар ёзилиши бир хил, лекин айтилиши (ўқилиши) ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан: ток (узум)- ток (электр қуввати), тур(хил, нав)- тур (давра, шахмат ўйинларининг иккинчи тури бошланади).

АДАБИЁТЛАР:

1. Шомаксудов А, Расулов И, Кунгуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983
2. Киличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, 1985
3. Киличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Тошкент 1992

ЎЗБЕК МОРФОЛОГИК УСЛУБИЯТИ. КЎПЛИК, ЭГАЛИК,
КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

РЕЖА:

1. Келишик, замон, майл, айрим ясовчи аффиксларнинг бир бирига нисбатан синонимик муносабати.
2. От формаларининг стилистик хусусиятлари.
3. Кўплик категориясининг стилистикаси.

Муълум бир фикрни ифодалаш учун марфологик формаларнинг ва синтактик конструкцияларнинг стилистик вариантларидан фойдаланиш ва тилда ана шундай синтактик ва марфологик синонимиянинг мавжудлиги грамматик стилистика ҳақида ҳам сўз юритишга асос бўлади. Масалан, мен кеча қишлоғимизга келган Ахмедов билан танишман. Мен қишлоғимизга кеча келган Ахмедов билан танишман. Кеча қишлоғимизга келган Ахмедов билан мен танишман. Гапларнинг учаласи ҳам грамматик жиҳатдан содда, ёйиқ, дарак гап. Стилистик жиҳатдан эса улар фикр нозикликларига эга. Шунга кўра уларга стилистикадан бир хил ходиса сифатида бефарқ қараш мумкин эмас. Стилистика ҳар бир гапнинг маълум маҳсадда ишлатишига олаҳида аҳамият беради ва уларни танлаш имкониятини олаҳида яъни: сўзлавчи бир неча Ахмедовлар ичидан қишлоққа келган Ахмедовнинг танишлигини баён қилмоқчи бўлса, юқоридаги гапларнинг биринчисини, агар бир нечта Ахмедов келиб кетгану, аммо улардан қишлоққа фақат кеча келганинигини танишлигини айтмоқчи бўлса иккинчи гапдан фойдаланиши лозим. Учунчи гап эса тамоман бошқа маҳсади учун ишлатилади: бунда қишлоққа келган Ахмедов билан бошқа киши эмас, балки фақат сўзловчининг таниш эканлигини ифодаламақда.

Ҳозирги ўзбек тилида келишик аффиксларининг замон, майл, формаларининг айрим ясовчи аффиксларининг бир-бирига нисбатан синонимик муносабатда бўлиши уларнинг бири ўрнида иккинчисини

ишлатиш имкониятинининг ўзи масаласи ҳам грамматик стилистиканинг ўрганиш объектидир.

Минг йиллик алоқалар натижасида ўзбек тилига араб, форс тожик тилларнинг турли-туман грамматик формалар кириб келди. Уларнинг баъзилари ҳозир ҳам қулланмоқда. Жумланинг, форс-тожик тилининг қабул қилинган но-,бе-, сер,-ба-, каби префиксларининг но-, бе-, префикслари эса ўзбек тилидаги сифат ясовчи – сўз аффикси билан синонимдир. Лекин уларнинг негизга қўшила олиш, қўшила олмаслик хусусиятини, қайси вақтларда бири ўрнида иккинчисини қуллаш мумкин эмаслигини – синоним бўла олмаслигини билиш лозим. Масалан: ноўрин , нобап, номахрам сўзларидаги но префикси ўрнида ўзбекча–сўз аффиксини ишлатиш мумкин бўлмаслигини каби, ўзбекча тузсиз сўзидаги –сўз ўрнида но-префиксини қўллаш мумкин эмас. Бу ерда тузсиз сўзидаги–сўз ўрнида форсча но–эмас, балки бе- префиксини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Кўплик категорияси стилистикаси.

Ўзбек тилида бирлик ортиклик-кўплик маъноси морфологик, лексик ва синтактик йўллар билан ифодаланади.

Баъзи сўзлар ҳеш қандай морфологик кўрсаткичсиз, бошқа миқдор билдирувчи сўзлар билан биргаликда келмаган ҳолда ҳам ўз лексик маъноси билан кўплик тушунчасини ифодалайди. Халқ, эл, қўшин, армия жамоа каби. Бу сўзларда жамлик маъноси кучли. Бу ҳам узининг лексик маъносилик сезилиб туради. Бу жиҳатдан кўпчилик, озчилик каби сўзлар ҳам шу маънога яқинлашади. Аммо бу сўзлар грамматик жиҳатдан шаклланган жамликни кўрсатади: масалан: Йўлчи четроқданбир оз қараб, сўнг оломан ичига кирди.

Баъзан сўз грамматик жиҳатдан бирлик формасида бўлади-ю, аммо у контекст билан боғлиқ равишда кўпликни ифодалайди: Масалан: У ўз уйига кетди. Болалар ўз уйига кетдилар. Биринчи гапда ўз сўзи бирликда, иккинчи гапдаги ўз сўзи эса болаларнинг кўплигини англатади. Шунинг учун у мантиқан кўпликда деб қаралади ва болалар ўзларининг ўйларига кетидалар тарзида тушунилади.

Ҳозирги ўзбек тилида кўплик тушунчаси синтактик йўл билан ҳам ифодаланади. Бундай форма кўплиб аффиксини __ синтактик форма билан синонимик муносабатига кириши мумкин. Масалан: ўнта дафтар //дафтарлар, бешта қалам// қаламлар каби. Бу жуфтлар предметнинг конкрет сонини ва ноаниқ кўплибни кўрсатиши билан бир-биридан фарқланади. Баъзан бу тилдаги бирикмалар охирида –лар аффикси ҳам қўшилиб келади: Кўп болалар, юзта кемалар каби. Бундай қўллаш синтактик нуқтаи назардан хато ҳисобланади. Чунки от олдидаги сўз шу предметнинг кўплигини англатади. Шунинг учун –лар аффиксини ишлатиш ортиқча, ўринсиздир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар. Тошкент, 1941
2. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. Самарқанд, 1976
3. Ўзбек тили грамматикаси. II қисм, Тошкент, 1976

ЎЗБЕК ТИЛИДА СИФАТ ВА СОН СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Сифат даражаларини ҳосил қилувчи формалар стилистикаси
2. Сифат ясовчи аффикслар синонимияси

Сифат маълум бир белгини кўрсатувчи мустақил сўз бўлиб, функцияси жиҳатидан бошқа сўз туркум (от ва отлашган сўзлар)нинг маълум хусусиятини конкретлаштиради, унинг маъносига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Сифат туркуми поэтик сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. У бадиий адабиёт тилида энг кўп учрайдиган эпитетлар ҳосил қилишда қўлланилади.

Бундан ташқари, сифат туркуми системасида синонимия ҳам кенг тараққий этган. Бу синонимиянинг функционал стиллар нуқтаи назаридан чегараланганлиги ҳам сезиларли даражададир. Буларнинг ҳаммаси сифат сўз туркумининг стилистик категория сифатида талқин қилинишига имкон беради.

Сифат даражасини ҳосил қилувчи формалар стилистика. Сифатлар предмет белгисини тўғридан-тўғри (оқ қоғоз, қизил олма) ва бир белгини бошқа белги билан чоғиштириб, қиёс қилиб кўрсатиши мумкин. Шу хусусиятлари асосида сифатнинг қиёсий ва орттирма даражалари фарқланади.

Сифатнинг қиёсий даражаси -роқ морфемаси ёрдамида ҳосил қилинади ва у, асосан белгининг нормал ҳолатга етмаганлигини билдиради. Масалан: У Қорчагиннинг уйига етиб олиб, деразани секин тикирлатди, жавоб бўлмагач, иккинчи марта қаттиқроқ ва узоқроқ тикирлатди. (Н. Островский.) Тоқиси навчароқ одамнинг боши тегадиган ески болохона гулдор шолчалар, чиройли жиҳозлар билан безалган эди.

- роқ морфемаси ўзи қўшилиб келган сўз орқали ифодаланган предмет белгисининг оддий даража ҳолига етмаганлиги кўрсатиши билан шунга яқин

маъно англатувчи –иш, -мтр, -имтр (-имтил) морфемалари билан синонимик муносабатда бўла олади. Қиёс қилинг: қорарок//қорамтир, қизилроқ//қизғиш, сариқроқ//сарғиш. Уларнинг фарқи шундаки, қиёсий даража кўрсаткичи –роқ предмет белгисини бошқа белгиларга қиёсан кўрсатади –иш, -мтир, -имтир (-имтил) морфемалари белгина предмет белгисининг камлигини, кучсизлигини англатади. Бу формаларнинг ўзи ҳам ўзаро синонимик муносабатдадир: Мисоллар: Уйларнинг деразасида ғира-шира сарғиш (//сарғилтим) шуълалар кўрина бошлади. (М. Горький) сойнинг нарёғида, узокқа кўкимтир (//кўкиш) баланд тоғлар осмоннинг ярмини тўсиб турибди. (А.Серафимович.)

Маъно кучайтириш учун –роқ морфемасини олган сўзлардан олдин Яна, янада, тагин, Яна ҳам каби сўзлар келтирилади. Белгининг ортиқлигини кўрсатиш учун хизмат қилувчи бундай конструкциялар кўпроқ оғзаки сўзлашув нутқи учун характерлидир.

Предмет белгисининг нисбатан ортиқлигини одатда, белги билдирувчи сўздан олдин энг сўзини келтириши орқали ифодаланади. Бунда бир хил белгига эга бўлган предметлардан биттаси таъкидланади. Мисоллар: Аҳмаджон ака ҳозир қишлоғимиздан энг ҳурматли, мўътабар кишилардан. (М. Қориев.) Шу-шу бўлди-ю, Солиҳ бутунлай ўзгариб, маҳалладаги энг одобли, энг тартибли бола бўлиб қолди. (М. Қориев) демак, қишлоқда ҳурматли, мўътабар кишилар кўп, аммо Аҳмаджон ака уларга нисбатан энг мўътабари ҳурматлиси. Иккинчи мисолда ҳам шу мазмун ифодаланган. Бу маъно ўзбек тилида яхшиларнинг яхшиси, яхшилардан яхшиси типигаги конструкциялар воситасида ҳам ифодаланади. Бундай конструкциялар воситасида ҳам ифодаланади. Бундай конструкциялар билан орттирма даража кўрсаткичи энг синонимик муносабатга киришида ва уларнинг бир ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин. Интенсивликни кўрсатувчи жуфт сифатлар ҳам предмет белгисини ортиқлигини кўрсата олади: кўш-кўк, қип-қизил, сап-сариқ, қоп-қора каби. Маълум конструкцияларда энг сўзи

юқоридаги жуфт сифатлар (сифатларнинг интенсив формалари) билан алмашиб ишлатилиши мумкин:

Бир Ватаннинг ўғлиманким, ҳар тириф гул лола боғ,

Қалб кўзидай энг қоронғи кўчада порлар чироғ.

Осмонларнинг тиниқ, кўм-кўгини танлайман. (Ғ.Ғ.)

Мисоллардаги энг қоронғи бирикмаси ўрнида коп-қоронғи сўзини, кўм-кўк сўзи ўрнида эса энг кўк бирикмасини қўллаш мумкин. Предмет белгисининг ортиқлигини кўрсатувчи энг сўзи ўрни билан худди шундай вазифа бажарувчи жуда, ғоят, ниҳоят, беҳад, чексиз, ғоятда, ниҳоятда каби сўзлар билан вазифадошлик қила олади: Чоғиштиринг: энг гўзал//жуда//ғоят //ниҳоят//беҳад//чексиз//ғоятда гўзал. Бу ўринда ҳам фарқ қиёсийлик ва бир предмет белгисининг қиёс қилинмасдан ортиқлигини кўрсатиш масаласи билан боғлангандир. Булардан энг, жуда сўзи ҳамма стиллар учун умумий; ғоят, беҳад, чексиз, ғоятда кабилар шу вазифада кўпроқ бадий нутқ стилида ишлатилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Киличев Э. Узбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, 1985
2. Киличев Э. Узбек тилининг амалий стилистикаси. Тошкент, 1992
3. Шомасудов А. Узбек тили стилистикаси. Тошкент, 1981

ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛМОШ, ФЕЪЛ СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Олмошларда стилистик танлаш ва бирини ўрнида иккинчисини қўллаш имкониятлари
2. Кўрсатиш олмошлари
3. Феъл замон формаларининг стилистик хусусиятлари
4. Ўтган замон феъллари

Сўзловчи ёки ёзувчи бирор шахс, предмет, белги, миқдор ҳақида ёзар ёки гапирар экан, шу предмет, ҳодиса, миқдор ёки белгининг номини билдирувчи сўзни такрорлай беришдан қочади. Уларни маънодош бошқа сўзлар билан алмаштиради. Шундай ҳолларда қўпинча от, сифат, сонларнинг эквиваленти сифатида олмошлар қўлланилади.

Бундан ташқари, олмошлар стилистик тонлаш ва бири ўрнида иккинчисини қўллаш имкониятларига эга. Масалан, белгилаш олмошлари: ҳамма, барча, бариин каби ҳар, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай олмошлари ҳам умумни, умумийликни билдиради. Шу сабабли қўпинча бу олмошларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин: Дунёда ҳар Ким ҳам бита-иккита нарсадан кўрқса керак. (П.Қ.) Ҳар нарса ўз вақтида ярашади. («Муштум»). Мисоллардаги ҳар ким, ҳар нарса олмошлари ўрнида, умумий фикрга салбий таъсир етказмаган ҳолда, ҳамма олмошини қўллаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида кишилик олмошлари бирлик ва кўплик сонларда (мен-биз, сен-сиз, у-лар) ишлатилади. Мен, сен, у олмошлари яқка шахсларни кўрсатиш учун хизмат қилади. Бу олмошларнинг кўпликда қўлланиши оддий кузатувчи учун унча сезиларли бўлмаган турли хил маъно нозикликларини келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам уларнинг биз, сиз формаларини ёки бизлар, сизлар, улар формаларини бефарқ равишда қўллай бериш мумкин эмас. Масалан: биргина шахс ўзига нисбатан биз олмошидан фойдаланиши мумкин бўлгани ҳолда бизлар олмошидан фойдалана олмайди.

Умуман, мен олмоши ҳозирги ўзбек тилидан бирлик формада доим якка шахсга нисбатан ишлатилади ва кўпликнинг морфологик кўрсаткичи –лар ни қабул қила олмайди. Бу эса унинг ўз хусусияти, табиатидан келиб чиқади. Чунки Айни бир вақтнинг ўзида макон ва замонда тингловчига нисбатан бир нечта сўзловчининг бўлиши нормал ҳол эмас. Ана шу ҳолат мен олмошининг грамматик бирлик формада бўлишини талаб қилади. Агар сўзловчи бир неча киши номидан сўзласа, унда мен олмошининг куплиги биз дан фойдаланади. Аммо биз бир нечта менга тенг эмас, балки у (биз) мен+сен+у ёки мен+сен лардан ташкил топган бўлади. Масалан, группамизда 25 студент ўқийди. Биз группанинг активлари гапидаги биз олмоши бир нечта мен га тенг эмас. Агар сўзловчи *мен* ни Карим деб олсак, активистлар бир нечта Карим эмас, балки унинг ёнида Салим, Ҳалим, Зебо, Гулилар ҳам бўлиши мумкин. Демак, биз олмоши ифодалаган кўпликдан фарқ қилади. Яъни китоблар олдим гапида у бир номдаги китобнинг бир неча нусхасини ҳам, турли номдаги китобларнинг бирдан ортиқлигини ҳам кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, биз биринчи шахстаги сўзловчининг кўплигини ифодалаётгандай бўлиб кўринса-да у кўплик сўзловчи шахснинг кўплигини кўрсатмайди, балки ккўплик бирдан ортиқ шахслардан ташкил топган бўлади.

Биз олмоши мен ўрнида ҳар хил мақсадда ишлатилади. Масалан, у илмий стилда кўпроқ камтаринлик маъносида, оғзаки сўзлашув нутқида эса фарқланиш, катта кетиш маъноларини билдириш учун қўлланилади: **Биз** ўз асаримизда йирик олимлар фикрларига асосланамиз. (Камтаринлик). **Бизнинг** ўғилчамиз катта бўлиб қолди(фарқланиш). Биз ўз ишимизни билиб қиламиз, сизнинг маслаҳатингизга зор эмасмиз (ман манлик) каби .

Феъл стилистикаси

Феъл замон формаларининг стилистик хусусиятлари

«Ҳар қандай борлиқнинг асосий формалари макон ва замондир. Макондан ташқари борлиқ бўлиши қандай энг мемаъни сафсата бўлса,

замондан ташқарида борлиқ бўлиши ҳам шундай энг бемаъни сафсатадир»¹, - деган эди Ф.Энгельс.

Демак, ҳаракат қандайдир бир жойда, ўринда-маконда, қандайдир бир вақтда, пайтда-замонда юз беради.

Грамматик замон маъноси нутқ моментиға нисбатан бериб белгиланади. Яъни ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин, нутқ моменти билан бир пайтда ёки ундан сўнг юз бериши мумкин. Шунга қараб феълнинг ўтган, ҳозирги ва келаси замонлари белгиланади. Бу замонлар бир-бирлари билан узвий алоқада бўлади. Масалан, ҳозирги замонда бажарилаётган иш-ҳаракат ўтган замондан бошланган бўлиши ва келаси замонда ҳам давом этиши мумкин, ёки келаси замонда бажариладиган иш ҳозирги замонда бошланган бўлиши мумкин ва ҳоказо. Шунингдек, бир замон формаси ўзи учун типик бўлмаган контекст ва ситуацияда, интонация ёрдамида, жанрлар билан боғлиқ равишда бошқазамон маъносини ифодалаш мумкин. Бироқ, бир замон ичида бажарилган ҳаракат дистанцион узоқ-яқинлиги, бир марталик ёки давомийлик каби хусусиятлари билан фарқланади. Бундай фарқли маъноларни ифодалашда баъзан бир замонни ифодаловчи турли формалардан (ишляпти// ишлаётир// ишламоқда//ишлаб турибди//ишлаб юрибди), баъзан биргина формадан фойдаланилади.

Контекстуал ва ситуатив маъно реал маънога (форманинг одатдаги маъносига) мос келмай қолиши натижасида маънода кўчиш юз беради, яъни маълум форма ўзи англатиши керак бўлган маънони эмас, балки бошқа маънони ифодалаш учун хизмат қилади. Бу турли хил экспрессив маъноларни ифодалаш учун муҳимдир.

Ўтган замон феъллари нутқ моментида илгари бажарилган, юз берган ҳаракатни кўрсатади. Ҳозирги ўзбек тилида ўтган замондан юз берган ҳаракатни кўрсатишда **–ди, –ган, +эди, –(и)б+эди, –(а)р+эди** каби аффикслардан, конструкциялардан фойдаланади.

Ўтган замондаги ҳаракат бажарилишининг аниқлиги, конкретлиги ёки конкрет эмаслиги, нутқ моментиға муносабати жиҳатидан ўзаро фарқли

оттенкаларга эга бўлади. Ана шу фарқларни кўрсатиш учун юқорида кўрсатилган турли формалар ишлатилади. Шу билан бирга бу формалар маълум маъноларни ифодалашда бир умумий нуктага бирлашади. Ана шу умумийлик ичида айрим фарқли оттенкалари бўлгани ҳолда, баъзан бундай фарқлар йўқ даражага келганда, бири ўрнида иккинчисини ишлата бериш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Содиқова М. Феъл стилистикаси. Тошкент, Фан, 1975
2. Кунгуров Р., Каримов С., Курбонов Т. Узбек тилининг функционал стиллари. Кунгуров Р., Каримов С., Курбонов Т. Узбек тилининг функционал стиллари.
3. Кожина М.Н. Стилистика русского языка. Москва, 1984

ЎЗБЕК ТИЛИДА СИНТАКСИСНИНГ УСЛУБИЙ ИМКОНияТЛАРИ

РЕЖА:

1. Синтаксиснинг стилистик имкониятлари.
2. Илмий услуб синтаксиси элементлари
3. Сўзлашув услубининг синтактик элементлари.

Синтактик стилистика бирликларини белгилаш бу соҳанинг предметини белгилаш демакдир. Риторика, поэтика адабиёт нақзариясида синтактик фигуралар деб аталган конструкциялар стилистик синтаксис воситалари деб қаралади. Бундан ташқари, ўринли ва оригинал қўлланган синтактик конструкциялар ҳам стилистик воситалар бўлиб хизмат қилади. Бундан барча синтактик бирликлар стилистик восита ҳисобланар экан, деган хулоса келиб чиқади. Айрим синтактик воситалар ўз табиатига кўра экспрессив-тасвирий восита ҳисобланса, айримлари фақат контекстда экспрессивлик ифодалайди. Экспрессив-тасвирий воситалар, асосан, бадиий поэтик, публицистик ва нотиклик услублари учун характерлидир. Бу ҳол шу услубларнинг табиати билан, уларда образлилик, эмоционал-экспрессивнинг кучлилиги билан боғлиқдир.

Антик риторикадан бошлаб синтактик фигуралар деб аталаётган ходисалар (реторик сўроқ, градация, банд, анафора, эпифора, такрор кабилар) бадиий –поэтик синтаксиси бирликлари ҳисобланади. Ўзбек тили бадиий- поэтик синтаксиси элементлари ҳақида фикр юритилганда ҳам, шулар тилга олинади.

Ўзбек тил ратаққиётининг ҳозирги бошқичида функционал услублар фарқланиб, унинг илмий, бадиий, публицистик, расмий сўзлашув каби услублари шаклланади.

Синтаксис конструкциялар нутқ услубларида нейтрал бўлгани каби, функционал характерда ҳам бўлади. Синтаксис стилистика учун нейтрал

характердаги синтактик воситалар эмас, нутқ услубларига хосланган функционал синтактик воситалар муҳимдир.

Нейтрал ва функционал синтаксиси иш кўради. Лекин бўларнинг нисбати ҳамма услубларда бир хил эмас. Масалан, илмий ва расмий иш қоғозларида нейтраллик устун бўлади. Бадий, поэтик, публицистик услублари учун нейтрал синтаксис билан бир каторда, синтактик фигуралар, инверсия, тўлиқсиз гаплар, синтактик конпрессия (тежамкорлик), эмоционал-экспрессивлик ифодаловчи бошқа синтактик конструкциялар характерлидир.

Илмий услуб синтаксиси элементлари

Илмий нутқ учун фикрни аниқ, мантиқан изчиллик билан ифодалаш характерлидир. Бунда исбот ва хулоса, конкрет материал ва уни умумлаштириш, сабаб ва натижа муносабатлари ўзаро боғлиқ ҳолда ифодаланади. Илмий услубнинг анча мураккаблиги унда кузатиш ва эксперимент туфайли эришилган хулосаларина умумлаштиришда турли хил логик муносабатларни ифодаловчи кўплаб синтактик воситаларнинг кенг қўлланиш сабаби ҳам мана шундадир.

Умуман, ифоданинг логик изчил бўлиши, бунда логик ўқув, логик зеҳн, логик қобилиятга мулжалланиши, мана шу мақсадда ифоданинг интеллектуал элементларига кўп мурожаат қилиниши илмий услубнинг асосий белгиларидан ҳисобланади.

Илмий услуб учун қатъий логик изчиллик, текст компонентларининг узвий боғлиқ бўлиши муҳимдир. Маълум бир авзадаги гапларнинг кейингиси олдинги гапда ифода қилинган фикрни тўлдириб боради. Бу ҳол текст тузилишини тузма шаклда бўлишини таъминлайди.

Илмий асарлар мулоҳаза ва исботдан иборат бўлади. Исбот аниқ баён қилинади. Бунинг учун ифоданинг тўлиқ бўлиши лозим. Шунга кўра ҳам илмий текстлар учун тўлиқ гаплар характерли. Бунда тўлиқсиз гап фикрнинг аниқлигига путур етказади.

Илмий услубда от билан ифодаланган гап бўлаклари, жумладан от – кесимлар қоратувчи –қаралмиш бирикмаларини кўп қўлланади.

Илмий ифода да мантиқан изчилликни таъминловчи муайян сўз таркибига амал қилиш муҳимдир. Бунда ўзбек адабий тилининг грамматик қурилиши талабларига риоя қилинади. Шу билан бирга, фикрни аниқ, изчил ифодалаш учун баъзан гап бўлақларининг тартибини ўзгартиш ҳам мумкин.

Илмий нутқнинг ўзига хос белгиларининг яна бири унда кўшма гап унинг мураккаб типларининг кенг қўлланиши. Кўшма гап қисимлари кўпинча семантик мунасабатларини аниқроғ ифодаловчи боғловчи васифасидаги бошқа воситалар орқали бирикади. Жуда кўп ҳолларда чунки, шунинг учун, шу сабабли каби боғловчилар, шарт майли ва равишдош формалари, -дек, аффикси кабилардан кенг фойдаланилади.

Илмий услубда бир составли гап типларидан эгаси топилмайдиган гаплар кенг ишлатилади.

Илмий асарларнинг исбот, қуласа қисмларида шундай экан, айтилади, деб аталади, масалан, тўхтаб ўтайлик, диққат қилайлик, диққат қилинг, қийосланг, қийос қилинг каби иборалардан кенг фойдаланилади.

Илмий текстлар учун ўқувчининг диққатини баён қилинаётган ходисага жалб қилиш мақсадида айрим сўзлар сўз бирикмалари, гапларни ажратиш ва турли изоҳлар бериш ҳам характерлидир.

Сўзлашув услубининг синтактик элементлари.

Сўзлашув услуби сўзлашув нутқи тушунчасидан фарқ қилади. Сўзлашув нутқи адабий сўзлашув услуби бўлиб, тилнинг адабий меъёрларига мос келади. У «ишланган», «тартибга солинган» бўлиб, касби ёки мутахассислигидан қатъий назар, шу тилда сўзлашувчи ҳар бир киши учун тушунарли бўлган асосий услуб ҳисобланади. Адабий сўзлашув нутқи алоқа тематикасига боғлиқ бўлмайди. Оддий сўзлашув услуби эса кишиларнинг турмуши, ҳаётининг тематикаси билан боғлиқ бўлади. Лекин улар ўртасида маълум боғланиш бор: сўзлашув услуби экспрессивлик ифода қилувчи элементларни адабий сўзлашув нутқидан олади. Адабий сўзлашув нутқининг

Ўзича экспрессивлик ифода қиладиган оддий сўзлашув услубига кириб боради. Шу билан бирга, адабий сўзлашув нутқида нейтрал бўлган айрим ходисалар ҳам оддий сўзлашув нутқида экспрессивлик ифода қилиши мумкин.

Сўзлашув услуби дегенда оддий сўзлашув услуби кўзда тутилади. Халқ оғзаки ижоди асарлари, сахна асарлари, фрозаик асарларидаги персонажлар нутқи кабилар ҳам сўзлашув услубини ташкил қилади. Сўзлашув услуби эркин ҳолда шаклланиши билан фарқланади, унда эмоционаллик кучли бўлади.

Сўзлашув нутқи синтактиказининг ўзига хос белгилари унинг нутқ жараёнида шаклланиши билан боғлиқ бўлади. Сўзловчи суҳбат довамида ўз нутқини олдиндан тайёрлаш, уни «ишлаш» имкониятига эга бўлмайди. Бунда суҳбатдошлар бевосита қатнашиб, бир-бирини осонлик билан тушунаверадилар. Бунда нутқ сўзланиб турган возият, нутқнинг диологи шаклида бўлиши ҳам муҳим аҳамият касби этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент, Фан, 1990
2. Кунгуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент, 1992
3. Шомаксудов А, Расулов И, Кунгуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983

СОДДА ГАПЛАР СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Бир составли гаплар синонимияси
2. Шахси аниқ гаплар
3. Шахси ноаниқ гаплар

Бир составли гапларнинг стилистик хусусиятлари. Бир составли гапларнинг структура асоси (грамматик маркази) эга ёки кесмдан иборат бўлади.

Бир составли гаплар, структура асосининг табиатига кўра, аъни тузилиши асоси гапнинг бош бўлаклари эга ёки кесимлик бўлишига қараб, эгасиз ва кесимлик гаплардан иборат бўлади.

Эгасиз гапларнинг структура асоси кесим бўлиб, унинг табиати икки хил: айрим гапларнинг кесимидан унинг эгасини топиш мумкин: кесим эганинг сўрағони қабул қилади. Баъзиларида эса эгани топиб бўлмайди: кесим эганинг сўроғини қабул қилмайди. Эгасиз гаплар, кесим табиатига кўра, эгаси топиладиган ва эгаси топилмайдиган гапларга бўлинади.

Эгаси топиладиган гапларда иш-ҳаракатни бажарувчи шахс аниқ, ноаниқ, умумлашган бўлади. Шунга кўра, бу тип гаплар шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган гапларга бўлинади.

Шахси аниқ гап. Бунда гапнинг эгаси бўлмайди. Унинг тузилиш асоси кесимдан иборат бўлади. Кесим феълнинг ҳар учала шахс формаси билан ифодаланади. Гапнинг кесимига қараб, ҳаракат қайси шахс (мен–биз, сен–сиз, у) томанидан бажарилаётганлигини аниқ билиш мумкин.

Бир составли гаплар ичида бундай гаплар нутқда энг кўп қулланади. Кишилиқ олмашлари билан ифодаланган эганинг қўлланмаслиги айниқса поэзия учун характерлидир. Бундай нутққа экспрессив-эмоционал оттенка беради, нутқни силлиқлаштиради, уни Яна ҳам тасирчан, ифодали қилади, фикрнинг йўналиш марказини кесимга кўчиради:

Яхшилигин билиб яхшилик қайтар,
Аммо бил: нокадан ёмонлик қайтар
Кўришдик, хол-оҳвол сўраштик.

Шахсни аниқ гаплар кесимнинг учинчи шахс формаси кўпинча кўчма маънода қўлланиб, II шахсга қаратилагн бўлади. Бу диолог формасидаги нутқкагина хосдир: гапирсинлар, иштайлик! – илтимос билан боқди Умарали, Мухимий. Саломат бўлсинлар

-Бизни ранжитмасинлар. Шахзодалар ўртасида низо, жанг улуғ Темурдан сўнг адот тусига кўчганки, таажжубга асло ҳожат йўқ.

Шахси аниқ гапнинг кесими феълнинг I шахс формаси билан ифодаланганда, II шахсга қаратилган буйруқ, илтимос, маслаҳат оттенкаларини ифодалайди:-тилингизга шакар, отахон, қани, кетдик. Баъзан I шахснинг кўплик формаси бирлик маъноси учун ҳам қўлланади. Бу вақтда гап ҳурмат, кесатиш, камтарлик оттенкаларга эга бўлади: Маҳмуддан гина қилди:-келинг Маҳмуджон, нечук? Қанақа шамол учирди? –мана, келдик.

Баъзан шахси аниқ гаплар диолог формасидан нутқда кетма-кет келади: Буюринг! Табриклайман!

Бирдан ортиқ шахси аниқ гаплар мантиқан ва оҳанги жиҳатдан биригип, қўшимча гап ҳосил қилиши мумкин. Бундай қўшма гаплар мураккаб фикрни икчам формада ифодалаш учун хизмат қилади: Демак, келишдик-а, бизнинг институтимизга кирасиз.

-Кийинаверинг қарамайман .

Шахсий аниқ гапларнинг баъзи типлари сўзлашув услубида расм-одат ифдаловчи консрукцияларга айланиб бормакда. Ҳуш кўрдик. Салом бердик.

Шахси ноаниқ гап. Бундай гапларнинг кесими феълнинг III шахс формаси билан ифодаланади. Лекин кесимдан иш-ҳаракати бажарувчи шахсни аниқлаб бўлмайди. Бунда эга, А.М.Пешковский айтганидек, нутқдан маълум маҳсадда четлаштирилади, бажарувчи шахс маълум маҳсадда номаълум, ноаниқ бўлади.

Шахси ноаниқ гапнинг кесими кўпроқ III шахсдаги номаълум шахснинг иш-ҳаракатини ифодалайди. Бунга бош бўлакнинг III шахс билан мунасабатга киричуви туфайли эришилади. Бундай гаплар бадий, публицистик, сўзлашув услубларида кучли стилистик воситадир: мухаббат ҳар қандай балони, ҳатто ўлимни ҳам енгади, деб жуда тўғри айтишган.

Шахси ноаниқ гапларда эганинг қўлланмаслиги қуйидаги ҳолатларда юз беради:

1. Бажарувчи шахс бажарувчи учун ҳам тингловчи учун ҳам номаълум бўлади: Дехқонбой ака, деворий газета чикди. Клубга осиб қўйишди.
2. Ҳаракатни бажарувчи шахс сўзловчи учун маълум бўлади, лекин у нутқда қўлланмайди: сўзловчининг ҳам диққат маркази ҳаракатга қаратилади. Сизга ҳали Умри туғрисида гапиришди.
3. Ҳаракатни бажарувчи шахсни аташ мўлжалланмайди. Асосий диққат ҳаракатга жалб қилишидан ташқари, сўзловчи бирор сабабга кўра уни ифода қилишин ноқулай деб билади. Аброр Асқаривич! Телефонга! Полкдан чақиришяпти.
4. Ҳаракатни бажарувчи шахс контекстда билиниб туради, шунинг учун ҳам у нутқда қўлланмайди: Эшитганмиз, чиройли қизлар тортиқ қилиб, подшодан катта амал оладилар.
5. Ҳаракатни бажарувчи шахсни сўзловчи аниқ кўрсата олмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Киличев Э. Узбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент 1985
2. Киличев Э. Узбек тилининг амалий стилистикаси. Тошкент 1992
3. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент, Фан, 1990

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚЎШМА ГАПЛАР СТИЛИСТИКАСИ

РЕЖА:

1. Мураккаб қўшма гаплар стилистикаси
2. Баддий матнларда қўшма гапларнинг ишлатилиши
3. Қўшма гапларнинг моҳияти ва стилистик қиммати

А. Қодирий «Меҳробдан чаён» романида Раънонинг ташқи кўринишини таъриф-тавсивлаш учун биргина абзацда 28 содда гапдан фойдаланади. Агар айрим ўринларда ишлатиган нуктани шартли белги услуб талаби билан қўйилган, деб фараз қилсак, анна шу сода гаплар бир бутун образнинг, гуё картинанинг таркибий қисмлари саналиб, бизга чиройли расмнинг турли бўйёқларини эслатади: бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди; белгилар ўхшатилади; бири иккинчисининг сабаб натижасини курсатади; орада ёзувчининг ҳис-туйғулари ҳам ўрин олади. Хуллас, ўзаро боғланган бир неча гап ёрдамида тугалликка эга бўлган яхлит бир манзара чизилади, гўё ўзига хос бир иншо юзага келади. Бундай гаплар мазмун ҳажмининг кенглиги, боғловчиларнинг кўплиги, сода гаплар ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Мураккаб қўшма гаплар ёрдамида шахснинг рухий маънавий кайфияти билан боғланган муаммолар ёки бошқаларнинг анна шу ҳолатга муносабати ифода этилади.

Кийинтирсам сени баҳорга,
 Юлдузларни ўрасам қорга,
 Олиб келиб олдинга қўйсам,
 Ҳам юлдузни ҳам сени суйсам.
 То тонгача сўйласам эртак.

Мураккаб қўшма гаплар публицистик поэтик асарларда, айниқса, кенг тарқалгандан. Исбот ва далилларни қиёслаш, тегишли хулоса чиқариш, икки

нарсани қарама-қарши қўйиш каби услубий мақсадлар мураккаб қўшма гаплар ёрдамида берилади.

Мураккаб қўшма гаплар ҳамма нутқ услубларидан кенг қўлланади ва автор учун энг қулай, энг аниқ, энг ҳаракатчанг, энг оммавий нутқ воситаларини танлаб олиш имконини беради. Уларни усталик билан танлаб олиш муҳимдир.

Қўшма гап ҳам муайян талаблар асосида тузилади. Буларга, аввало мантиқий талаблар, сўнгра грамматик талаблар киради. Бундай талаблар ҳамма нутқ жанрлари олдига, ҳар бир сўзловчи ёки автор олдига бир хил даражада қўйилади. Қўшма гапларнинг ўта ёйиқлиги, айрим боғловчилардан фойдаланиш, боғловчи-синонимлар ўрнини алмаштириш, маъно ҳамда услубга зарар келтирмаган ҳолда гаплар ўрнини ўзгартириш (инверсия), қўшма гап қисмларини боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида бириктириш ва бошқа бир қатор масалалар авторнинг услубий нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин. Лекин ҳамма бирдек амал қилишини лозим бўлган айрим мантиқий томондан ўзаро ғоят зич боғланган, бир-бирига ҳалқа сингари киришиб кетадиган, биридаги маъно иккинчиси томонидан кенгрок очилиши, изоҳланиши шарт бўлган, бири иккинчисининг сабабини ёки натижасини, пайтини ёки мақсадини кўрсатадиган сода гапларнинг бироикишидан юзага келади. Улар яхлит бўлиб, тугал фикр билдиради, тугаллик интонацияси билан айтилади; қўшма гапдаги ҳар бир сода гап бир бутуннинг таркибий қисмлари тарзида тушунилади, нечда сода гап бўлишидан қатъи назар, биргина мураккаб тафсилотни, шахс характеристикасини, пейзажни, табиат ва жамият ҳодисаларини ифодалайди. Айниқса, бадий матнлардаги қўшма гаплар мураккаб картинанинг муҳим элементи, айрим детали, жуда зарур бўёғи сингари ўрин тутади. А. Қодирий, Ойбек каби адибларнинг асарлари ана шу фикримизга етарли исбот бўла олади.

Поэтик асарлар ичида Х.Олимжоннинг «Ўзбек тили» шеъри, Э.Воҳидовнинг «Ўзбекистон» фахрияси, А.Ориповнинг худди шу номдаги

балладаси ва бошқа шеърлар мураккаб қўшма гап таркибидаги сода гапларни танлаш ва муносабат ва мутаносиб жойлаштириш санъат энг яхши намуналар саналади. Улардаги ҳар бир гап бизнинг кўз олдимизда табиат ёки шахс ҳақида, ҳодиса ёки бирор руҳий ҳолат ҳақида, ҳуди рассом чизгисидаги бўёқлар каби, яхлит манзара ҳосил қилиш учун хизмат этади.

Қўшма гапларнинг моҳияти ва стилистик қиммати улардаги сода гапларнинг сони билан эмас, уларнинг мантиқан тўғри танланиши, тартиби, боғловчиларнинг меъёрида қўллаш, бунда боғловчи-синонимлардан фойдаланиш кабилар билан ўлчанади. Манна шу талабларга амал қилмаса, қўшма гап деб олинган конструкциялар формал жамиятдан тугри бўлса ҳам, мазмун ҳамда услуб томондан ўзини оқламайди. Машхур ёзувчи К.Фединнинг сўз ҳақида Ушбу фикрни бевосита гапга ҳам татбиқ этиш мумкин:

«Сўз аниқлиги фақат стилнинг, оқилона диднинггина талаби булиб қолмай, ҳаммадан олдин мазмун талабидир. Маҳорат мазмунга хизмат қилмаса, бу-алдамчилик саналади».

«Назида ҳам асл анча маъни дурур, бўлсин анинг сурати ҳар не дурур», деганда, улуғ ўзбек шоири сўз ва гапларнинг шакли билан мазмуни орасида мувафиқликни назарда тутганлиги Навоий услубининг етакчи мезонларига ёрқин далилдир.

Демак, қўшма гап, аввало, мазмунан бир-бирини тақазо этувчи сода гаплар йиғиндисдир: Улар ўзидаги маъно орқали бир-бирига боғланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент, Фан, 1990
2. Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. Тошкент, 1975.
3. Шомаксудов А, Расулов И, Кунгуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент.1983

